

<https://doi.org/10.63241/2025533akhv>

УЎТ: 633.353.631.527.3

ХАШАКИ ДУККАК (*Vicia faba* L.) НИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИ ЮҚОРИ БЎЛГАН БОШЛАНҒИЧ АШЁЛАРИНИ ТАНЛАШ

Жўраев Сирожиддин Турдикулович 

биология фанлари доктори, профессор

E-mail juraev.197817@mail.ru**Жуманова Маҳлиё Бобоқуловна** 

кичик илмий ходим

E-mail jumanovamahliyo59@gmail.com

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

Анотация. Ушбу мақолада hozirgi kunda janubiy mintaqalar sharoitida Hashaki dukkak (*Vicia faba* L.) ning selektsiyasi ёритилган. Bunda Hashaki dukkak (*Vicia faba* L.) ning issiqlik va qurqoqlikka bardoshli b'ulgan hosildor boslan'gich ash'elarini tanlash ishlari keltilirilgan, hamda tanlab olingan namunalar selektsiyaning keying bosqichlari uchun tavsia etilganligi ba'en qilingan.

Калит сўзлар: хосил, уруғ, нав, харорат, қурқоқчил, намлик, биомасса, тупроқ, ўсимлик

Аннотация. В данной статье рассматриваются современные методы селекции бобов (*Vicia faba* L.) в условиях южных регионов. Представлены результаты работы по отбору продуктивных посадочных материалов бобов (*Vicia faba* L.), устойчивых к жаре и засухе, а также даны рекомендации по дальнейшим этапам селекции для отобранных образцов.

Ключевые слова: урожайность, семена, сорт, температура, засушливость, влажность, биомасса, почва, растение

Abstract. This article examines modern methods of bean (*Vicia faba* L.) breeding in southern regions. It presents the results of the selection of productive bean (*Vicia faba* L.) planting materials resistant to heat and drought, and provides recommendations for further breeding steps for the selected samples.

Keywords: yield, seeds, variety, temperature, aridity, humidity, biomass, soil, plant



AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

КИРИШ.

Сўнгги йилларда республикамизда ноанъанавий экинларни кўпайтириш ва плантацияларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабабли, кейинги йилларда ноанъанавий экин турларини республикамиз тупроқ шароитида кўпайтириш ва хом-ашё базасини яратиш соҳасида кенг масштабда ишлар давом этмоқда. Лекин муаммоларнинг илмий ечимини топишда авваламбор янги ноанъанавий экинларни Республиканинг иқлим шароитига мослаштириш, етиштиришнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги саноати учун экинлар турларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат ва ем-хашак учун арзон, оқили юқори ва тупроқни органик бирикмалар билан бойитувчи бу дуккакли дон экинлар ҳисобланади.

Хашаки дуккак (*Vicia faba* L.) нинг уруғи ҳосилдорлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири тупроқ шароитидир. Хашаки дуккак (*Vicia faba* L.) нинг енгилроқ тупроқларда ҳам ўстирилиши мумкин, лекин улар етарли даражада нам бўлиши керак. Хашаки дуккак (*Vicia faba* L.) учун тупроқ кислоталилиги 6,5 ни ташкил этиш керак. [Вареница Е, 1978; Неттевич Э, 1974; Хохлова С. А, 1987; Вареница Е, 1978]. [3;4;7;2].

Селекция ишида бошланғич манбаларни таърифлайдиган асосий кўрсаткичлар ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатидир. Бу кўрсаткичлар мураккаб жараён ҳисобланиб уларни ўрганиш бир қанча қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари билан белгиланади.

Хашаки дуккак (*vicia faba* l.) нинг етиштириш дастурларининг асосий мақсадлари бошқа экинларга ўхшаш бўлиб, ҳосилдорлик, биотик ва абиотик стрессларга чидамлилик бардошлик, мақсадида муҳитга мослашиш, мос фенология, ўсимликларнинг ўсиши, уруғлик сифати ва экинларни бошқаришни яхшилаш учун хусусиятларни ўз ичига олади. Хашаки дуккак (*Vicia faba* L.) кўпайтиришнинг иккита асосий усули-такрорий селекция даврлари билан популяцияни яхшилаш ва хашаки дуккак ўз-ўзидан чангланадиган экин сифатида кўриб чиқиш ва наслчилик линиялари орасидаги ўзаро чангланиш даражаси юқори. Анъанавий хашаки дуккак (*Vicia faba* L.) нинг етиштириш элита ота-оналар, наслларни кўп босқичли синовдан ўтказишни, ўзига хос хусусиятлар бўйича ота-оналардан устун бўлган наслларни аниқлашни ва юқори навларни чиқаришни ўз ичига олади. Одатда бу жараён навини чиқариш учун 10 йилгача вақт олиши мумкин.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСУЛЛАР.

Тадқиқотда тажрибаларни жойлаштириш ва тадқиқот давомида Дала ва лаборатория тажрибалари, биометрик ўлчашлар, фенологик кузатиш ва турли таҳлиллар “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” услуби бўйича (Дорофеев В. Ф. и др.) олиб

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

борилди. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Доспехов услуби асосида амалга оширилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА.

Ўрта ҳосилдор навларни яратишда ўсимликларнинг маҳсулдорлигини белгиловчи турли кўрсаткичлар, яъни ҳосилдорлик элементларига жуда катта эътабор берилади. Шунинг эътиборига олган ҳолда Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг Қарши туманидаги тажриба майдонида хашаки дуккак (*Vicia faba* L.) нинг иссиқлик ва қурғоқчиликка бардошли ҳамда ҳосилдор тизмаларни танлаш бўйича 25 та нав ва тизмалар 3 қайтариқда қўл кучи ёрдамида экиш ишлари амалга оширилди.

Деҳқончиликда ҳаво ҳарорати, ёғин миқдори ва ҳавонинг нисбий намлиги ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши, ҳосил структурасининг шаклланиши, ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир қилди.

1-жадвал

№	Нав ва намуналар номи	Ҳосилдорлик, ц/га
1	India 1/Sel TERLT 2016-6246-1	7,0
2	Sel H -002-1/13/Sel TERLT 2016-6223- 2	10,9
3	ILB4538/Sel 2016 KFCh289	7,4
4	Sudan V1/Najah	8,2
5	Najah/F7/8983/05 X sel 2004 lat 393- 1/S 2008, 076	9,8
6	F4/ILB1814 xZVC-line 1269-1505- 78/Barakat Xnew Mamot	6,9
7	SAEA	11,6
8	9883-3/2010/HBP/DSO/20	6,1
9	Luz de OtonoxSel. 2008 Latt. 638	6,3
10	Sel.99 lat.10268-3	7,2
11	B8833 (L82003)	6,2
12	BPL 2784	6,3
13	S2011-042X Misr1	6,1
14	Misr1X SEL.2008 LATT.49LB	11,0
15	Luz de OtonoxSel. 2008 Latt. 638	6,7
16	Misr 1	11,2
17	S2011-111xS2011.107	10,7
18	Nubaria2xS2011-111	6,8
19	Nubaria2xSel.F7/8975	11,4
20	9883-3/2010/HBP/DSO/2	7,2
21	Luz de OtonoxSel. 2008 Latt. 638	8,0
22	BPL 2284	6,1
23	10130-4/2010/HBP/DSO/2	6,4
24	BPL 1179	7,7
25	Sel2010-cold/265-2xNubaria2	8,1
Энг баланд кўрсаткич		11,6
Ўртача кўрсаткич		8,1
Энг паст кўрсаткич		6,1

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

Назорат кўчатзорида ўрганилган 25 та нав ва тизмаларнинг энг муҳим бўлган кўрсаткичларидан бири бўлган дон ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда қайтариқлар бўйича ўртача 6,1-11,6 с/га гача бўлганлиги аниқланди.



1-расм: Ғасол нав ва тизмаларинг дон ҳосилдорлиги, с/га (Қарши-2023-й.).

Энг кам дон ҳосилдорлиги коърсаткичини намоён қилган BPL 2284, S2011-042X Misr1, 10130-4/2010/HBP/DSO/2, 9883-3/2010/HBP/DSO/20, тизмаларда 6,1-6,4 с/га, ва энг юқори Luz de OtonoxSel. 2008 Latt. 638, SAEA, Misr 1, Misr1X SEL.2008 LAT.49LB тизмаларда дон ҳосилдорлиги 11 с/га дан 11.6 с/гагача боълганлиги аниқланди..

ХУЛОСА.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, иссиқлик ва қурғоқчиликка бардошли ҳосилдор навларни танлаш селекциянинг ҳозирги кунда долзарб масаллалардан бири ҳисобланади. Ҳосилдорлиги кўрсаткичи тахлил қилинганда 6 та тизмаларда Luz de OtonoxSel. 2008 Latt. 638, SAEA, Misr 1, Misr1X SEL.2008 LATТ.49LB тизмаларда дон ҳосилдорлиги 11 с/га дан 11.6 с/га гача ҳосилдорликка еришилди ва селекциянинг кейинги босқичлари учун танлаб олинди.

АДАБИЁТЛАР

1. Muktadir M.A. et al. Physiological and biochemical basis of faba bean breeding for drought adaptation. – A review // Agronomiy-2020. T.10 - № 9 – S.10.
2. Электрон ресурс // Қишлоқ хўжалиги фанлари. - М., 2014. - Кириш режими: <http://www.science-eduaitio.ru/118-14302>
3. Арсенева Е.В., Мармулева Е.Ю. Насекомые на посевах сои в северной лесостепи Приобья // Достижения и перспективы студенческой науки. Сборник научных студенческих трудов агрономического факультета, посвященный 80-летию Новосибирского ГАУ. – Новосибирск, 2016. – С. 192